



Семён Михайлович Будёный-Россиянинг 19-20 аср давридаги энг кучли саркардаларидан бири. Рус-Япон, Рус-Поляк, Фукарлар ва Биринчи жахон уруши катнашчиларидан. Биринчи бўлиб Собик иттифок даврида Маршал унвонига сазовор бўлган, халк ичида катта хурматга эга, мохир чавондоз ва киличбоз-Саркарда...

---

Машхур археолог Герасимов, Самарканддаги экспедицияси давомида, «Гўр Амир» макбарасида ўтказилган «казилма»лардан кўлга киритилган, буюк саркардамиз Амир Темурга ва унинг сулоласига оид барча «ашъё»ларни Россияга олиб кетади. Олиб кетилган, тарихий кийматга эга бўлган ашъёлар ичида, Буюк Амир Темурнинг киличи ҳам бор эди.

Россия ҳукумати тамонидан, Ўзбекистонда ўтказилган археологик казилмалардан топилган «кимматбаҳо» мулкларнинг асосий кисми-сотувга кўйилиши, баҳоси келишилмаган ашъёларни эса- музейларга топширилиши тўғрисида қарор қабул қилинади...

Ўша вақтда ёши 60 га етган Будёныйни соғлиги ҳам аввалгидай эмас. Иккинчи жахон

урушининг дастлабки йилларида «буюк саркардалар»га бўлган эътиборни кўрсатиш-оддий халкни рухлантиришини тушунган Сталин, Берияга — «Буюк Темур киличини Будёныйга совга килиш»ни буюради. Лаврентий Берия, бунга ўз каршилигини билдириб, Будёный учун бундай тарихий ашъёни совга килиш шарт эмаслигини Сталинга тушунтиришга уринади. Сталин бунга жавобан- «охирги вақтларда касалликларга кўп чалина бошлаган Будёный-узук яшамаслиги»га ишора килиб, тез орада у ўлгандан кейин килични кайтариб олиш мумкинлигини таъкидлайди...

Будёныйни нафакага чиқарган Иосиф Сталин, саркарданинг хурматида мос тақдирда-алохида «дала ховли» ажратилишини буюради, хаёти учун зарур бўлган барча имтиёзлар, емок ва ичмоги учун «давлат таъминоти» ва шахсий кўрикчилар билан ҳам таъминлади.

Будёный дала ховлига кўчган вақтидаги соғлиги- хақиқатдан ёмонлашган ахволда, эски яра-чандиклар ўзини кўрсатаётган давр эди. У кун давомида факат бог ичидаги ўриндикда ўтириб, дори-дармон ичиб, эски хотираларга чўмиб кун ўтказиш билан овора...

Буюк саркарда Амир Темурнинг киличини совга сифатида олган кунидан бошлаб, Семён Будёный мўжизавий ҳолатда соғломлаша бошлади. Будёный Темурнинг киличини кўлига олган захоти, бирданига куч-қувватга тўлаётгани, кўриш ва сезиш қобилияти ҳам яхшилана бошлаётганини сеза бошлайди. Кун бўйи ўриндикда ўтириб кун ўтказувчи «чол», энди ҳар куни бадантарбия, ўқотар қуролдан отиш ва киличбозлик билан шугулланишни бошлайди. Ҳар кун ётишдан олдин, килични ёстиги остига қўйиб ухлашга одатланади...

1942 йил, декабрь ойининг бир кечасида, Будёный беҳаловат бўлиб уйғониб кетди. Ўша кун, қандайдир сабабларга кўра хизматкорлар ҳам дам олиш учун рухсат олган эди. Уйқудан сўнг, ўзига кела бошлаётган вақтда, икки мартта, паст ва дим ҳолатда бўлган-ўк овозини эшитади. Ўк-«Овоз сусайтирувчи» ўрнатилган тўппончадан отилаётгани пайкаган Будёный, уйига «душман» бостираётганини ҳам сезади. Уйдаги электр тармоғи-ўчади. Барча телефонлар-ишламай қолади. Махсус алоқа телефони ҳам ўчган. Семён Михайловични ётоқхонасида «ППШ» автомати бор бўлсада, у «килич» билан қуролланишни афзал кўрди. Ётоқ эшиги очилди ва шу вақт, гира-ширада саркарда ва «котил» юзма-юз ҳолатга келишди. Шу онда Будёный, ҳеч иккиланмай килич билан эшик олдида турган «диверсант»ни чопиб ташлайди. Шу пайт, эшикдан уч метр чамасида турган иккинчи «диверсант» Будёныйга қарата икки марта ўк узади.

Лекин ўқлардан бири, Темур киличининг юзасига, иккинчиси эса киличнинг сопига тегади. Буни кўрган диверсант бироз довдираб қолганидан фойдаланган маршал, уни шу захоти чопиб ташлайди...

Кейинчалик ўша фожеали кечани эслаган Семён Будёный, ўша кундаги, ўзининг ҳаракатларидан ҳалигача хайратда эди. « Мен ҳозир ўзим ҳам ушбу ходисага тўлиғича ишонмайман. Пистолетдан чиқган ўқлар кўзим илғайдиган даражада, жуда секин учаётгандай туюлди... Ёки...Аксинча, жараён жуда тез, яшин тезлигида содир бўлиб

Ўтди..ми? Аник бир фикр айтаолмайман... Хуллас ўша куни жаъми 5 диверсантни ер тишлатдим. Иккитасини уйда, яна учтасини богда, киличлаб ўлдирганман...»

Вокеа-албатта сирли. Ким билади, балким дунёни ярмини забт этган Буюк саркарда Амир Темур киличининг гаройиб хосияти — Кизил Маршални конини жўштириб, унга гайритабиий куч бериб, уни ўлимдан саклаб колгандир?!...

1973 йили маршал Будёный ўлгандан сўнг, Темурнинг киличи гўёки «СССР Инкилоби марказий музейига топширилган. Ўша даврдан буён -Темур киличини излаб топиш ишлари ҳеч қандай самара бермаган ва уни изини ҳеч қим ханузгача топа олмади.

(Мазкур воқеага алоқадор ҳужжатлар, ҳозиргача Россия ФСБ архивида «ўта махфий» белгиси остида сақланиши тўғрисида маълумотлар мавжуд).

Рудычева Ирина Анатольевна  
«Буюк саркардалар тарихи» асаридан.  
(М.Мирзаев таржимаси)

Манба: Фейсбукдаги ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ. ИСТОРИЯ УЗБЕКИСТАНА. HISTORY OF UZBEKISTAN гуруҳидан олинди.